


12-28-2020

CONNOTATIVE MEANINGS WITH THE OMISSION OF SPEECH SOUNDS IN THE PRONUNCIATION OF WORDS

Mavluda Norova Independent Researcher
Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Norova, Mavluda Independent Researcher (2020) "CONNOTATIVE MEANINGS WITH THE OMISSION OF SPEECH SOUNDS IN THE PRONUNCIATION OF WORDS," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 4.
DOI: 10.36078/987654464
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss4/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Мавлуда Норова

Бухоро давлат университети мустақил изланувчиси

СЎЗЛАР ТАЛАФФУЗИДА ТОВУШ ТУШИРИЛИШИДАГИ КОННОТАТИВ МАЪНОЛАР

АННОТАЦИЯ

Тил бирликларининг талаффузида фонетик ўзгаришли сўзлар ҳам учрайди. Фоностилистик жиҳатдан қараганда, бундай сўзлар талаффузида қўшимча, яъни коннотатив маънолар ифодаланган бўлади. Фонетик ўзгаришли сўзлар икки, яъни сўзлар талаффузида товуш орттирилиши ва товуш туширилишига бўлинган. Сўзлар талаффузида товуш орттирилиши натижасида протеза, эпентеза, эпитеза ҳодисалари ҳосил бўлади. Сўзда товуш туширилишига аферезис, синкопа, апокопа ва элизия киради.

Мақолада сўзлар талаффузида товуш туширилиши билан боғлиқ фоностилистик маънолар инглиз ва ўзбек тилларида чоғиштирилиб ўрганилган. Коннотация тил бирликлари семантикасига доир қўшимча маъновий мавжудлик бўлиб, у нутқ субъектининг борлиққа лингвопрагматик ва услубий муносабатини ифода этади. Бундай муносабатлар сўзлар талаффузида аферезис, синкопа, апокопа, элизия каби товуш туширилиши билан юзага келадиган коннотатив маъноларда намоён бўлади. Жумладан, аферезислар талаффузида маълум нутқий энгиллик, мулойимлик, нозиклик каби коннотатив маънолар бўлганлиги учун улар бадиий тасвирда персонажлар нутқида фаол қўлланилади.

Синкопа фонопрагматик ҳодисасидан нафақат назмий, балки насрий ҳамда драматик асарларда ҳам фойдаланилиши ашъвий мисоллар асосида кўрсатилган.

Апокопа ҳодисаси ҳар икки тилда ҳам сўзлашув нутқида хос бўлиб, уларда севиш, эркалаш, яқинлик, кичрайтириш каби коннотатив

Mavluda Norova

Independent Researcher, Bukhara State University

CONNOTATIVE MEANINGS WITH THE OMISSION OF SPEECH SOUNDS IN THE PRONUNCIATION OF WORDS

ABSTRACT

Among the language units there are also words that have undergone phonetic changes in pronunciation. From a phonostylistic point of view, the pronunciation of such words have additional, i.e. connotative meanings. Phonetically modified words are divided into two, that is, the increase and decrease of speech sound in the pronunciation of words. The phenomenon of so-called sound acquisition includes the phenomena of prosthesis, epenthesis, epithesis. The so-called sound omission includes aphaeresis, syncope, apocope, elision.

The article reveals the phonostylistic meanings associated with the omission of speech sounds in pronunciation of words in the comparison of the English and Uzbek languages. Connotation is an extra notional essence included in the semantics of language units, which expresses the emotionally assessed and methodologically defined attitude of the subject of speech to the being. Such relationships are manifested in the connotative meanings that occur in the pronunciation of words with the phenomenon of sound omission, such as aphaeresis, syncope, apocope, elision. In particular, because the pronunciation of aphaeresis has certain connotative meanings such as speech facility, gentleness, delicacy, they are actively used in the speech of the characters in the artistic image.

The phonopragmatic phenomenon of syncope has been used not only in poetry but also in prose and drama.

The phenomenon of apocope is characteristic of colloquial speech in both languages, revealing that they have a number of connotative meanings, such as love, caress, intimacy, diminution.

The connotative meanings of the phenomenon

маънолар мавжудлиги очиб берилган.

Элизия ҳодисасининг чоғиштирилаётган тиллардаги коннотатив маънолари ҳар икки тилдаги бадиий адабиётлардан олинган фактик мисоллар асосида таҳлил қилинган.

Хуллас, сўзлар талаффузида товуш туширилиши ҳодисаси билан ҳосил бўладиган коннотатив маънолар ранг-баранглиги ва серкирралиги жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Уларда нутқда қисқалик, ҳаяжон, ритм оҳангдорлиги, қофияни ростлаш, мулоимлик, эҳтирос каби коннотатив маънолар ифодаланади.

Калит сўзлар: талаффуз, фоностилистика, коннотация, фонетик ҳодисалар, аферезис, синкопа, апокопа, элизия, бўғин, фоностилема, прагматика.

КИРИШ

Талаффузда фонетик ўзгаришли сўзлар кўп учрайди. Бундай сўзлар тилшуносликда турли номлар билан аталади: фонетик ҳодисалар, фонетик жараёнлар, фонетик ўзгаришлар, фоностилистик ҳодисалар, фоностилемалар ва бошқалар [Saparova Q., 2009; 49].

Умумтилшуносликда, жумладан, Европа ва ўзбек тилшунослигида тилдаги фонетик ҳодисалар анча мукамал ва атрофлича талқину тадқиқ этилган. Шунга қарамай, бу соҳада олиб борилган илмий тадқиқотларда чоғиштирилаётган тиллардаги фонетик ўзгаришли сўзларнинг талаффузи боис юзага келадиган коннотатив маънолар, уларнинг услубий хусусиятлари ҳақида маълумотлар оз учрайди. Ҳолбуки, инглиз ва ўзбек тиллари сўз ва грамматик шакллари талаффузида воқеланадиган коннотатив маъноларни аниқлаш ва улардан нутқ жараёнида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Биз тадқиқот объекти қилиб олган инглиз ва ўзбек тилларидаги товуш талаффузи билан боғлиқ юзага келадиган қўшимча, яъни коннотатив маънолар ҳақида етарли маълумотлар берилмаган. Ваҳоланки, фонетик ҳодисалар талаффузидаги коннотатив маъноларни чуқур ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Фонетик ўзгаришли сўзларда шакл ва мазмун жиҳатидан икки ҳолат кўзга ташланади: а) товуш ёки бўғин орттириб талаффуз қилиш: протеза, эпентеза, эпитеза; б) товуш ёки бўғин тушириб талаффуз қилиш: аферезис, синкопа, апокопа, элизия. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида коннотатив маънога эга.

Кейинги давр ўзбек тилшунослигида тилнинг эмоционал-экспрессив хусусиятларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ қатор илмий ишлар юзага келди. Айниқса, лексик ва грамматик бирликларнинг коннотатив маъноларини тадқиқ қилишга чуқур киришилди [Mamadaliyeva M., 1997; 22]. Фонетик ҳодисалардаги

elision in the comparative languages have been studied on the basis of examples taken from the fiction in both languages.

Thus, the connotative meanings formed by the phenomenon of sound omission in the pronunciation of words are similar from point of variety and versatility. They express a number of connotative meanings in speech, such as brevity, excitement, rhythmic tone, rhyme adjustment, gentleness, passion.

Key words: pronunciation, phonostylistics, connotation, phonetic phenomena, aphaeresis, syncope, apocope, elision, syllable, phonostyleme, pragmatics.

коннотатив маънолар А.Хайдаровнинг номзодлик диссертациясида атрофлича тадқиқ қилинган [Haydarov A., 2009; 136].

Тилда мавжуд денотатив ва коннотатив маъноларни ифодаловчи тил бирликларини ўрганиш орқали семиотик, семасиологик ва стилистик тадқиқотлар олиб боришга замин тайёрланади. Ушбу йўналишдаги илмий изланишларни янада чуқур ўрганиш, коннотатив маънони қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тиллари нуктаи назаридан компаративистик таҳлил қилиш бугунги кунда тилшунослар олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади [Xalliyeva G., 2020; 40].

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Коннотация тил birlikлари семантикасига кирувчи кўшимча маъновий мавжудлик бўлиб, у нутқ субъектининг борлиққа семантик-стилистик ҳамда функционал-стилистик муносабатини ифода этади. Бундай муносабатлар фонетик ўзгаришли сўзларнинг барчасига хосдир.

Ушбу мақолада сўзлар талаффузида товуш туширилишидаги афerezис, синкопа, апокопа ва элизияда рўёбга чиқадиган коннотатив маъноларни инглиз ва ўзбек тиллари мисолида алоҳида-алоҳида таҳлил ва тадқиқ қиламиз.

Афerezис (aphaeresis) термини XVI асрнинг ўрталарида инглиз тилига кириб келган. Ушбу термин баъзи манбаларда афезис (aphesis) шаклида ҳам учрайди. **Афезис** кўпинча сўзда биринчи унли товушнинг тушиб қолишига нисбатан қўлланса, **афerezис** эса сўз бошидаги исталган биринчи бўлакнинг тушириб қолдирилиши, деб қайд этилади [Axmanova O.S., 1966; 60].

Афerezис нотиклик санъати ва фонологияга оид термин бўлиб, сўз бошидан бир ва ундан ортиқ товуш ёки бўғиннинг тушириб қолдирилиши демакдир. Унинг сифат шакли **aphetic** ёки камдан-кам ҳолатда **aphaeretic** деб ҳам юритилади. Афerezис икки кўринишда намоён бўлади.

Товуш тушиши: possum – (o)possum, squire – (e)squire, adder – (n)adder, cute – (a)cute, lone – (a)lone, **sample – (e) xample, state – (e)state**, round – (a)round, ‘mid – (a)mid, pon – (u)pon.

Бўғин тушиши: copter – (heli)copter, plane – (air)plane, coon – (rac)coon, till – (un)til, vantage – (ad)vantage каби.

Бола сўзлашни ўрганиш жараёнида дастлаб сўзларнинг фақат сўнгги бир ёки икки бўғинини сақлаб қолишга одатланади. Натижада, у қуйидаги сўзларни **nette – (mario)nette, range – (o)range, anna – (n)anna, octor – (d)octor** тарзида талаффуз этади. Бундай талаффуз бола нутқида мулойимлик билан ифодалаш коннотациясини беради. Шунингдек, бола нутқидаги афerezислар нутқий тежамкорлик, шошқалоқлик, камчиликлар туфайли тартибсиз талаффузни юзага келтиради. Бу эса айни замонда, бола нутқида хос оҳангдорлик коннотациясини ҳосил қилади: **'xactly – (e)xactly, 'tention! – (at)tention!**

“Афerezис апокопага ўхшаб, бадий восита сифатида ишлатилади. У сўзлашув нутқи услубида кўпинча адабий меъёрдан чекиниб айтилган сўз ва ифодаларни ўз ичига олади”, – деб ёзади Б.М. Дюприез [Dupriez B.M., 1991;

235].

Афerezис (афетик) сўзлар, асосан, сўзлашув нутки услубига хос коннотатив маъноларни ҳосил қилади: *drawing-room – (with)drawing-room, fend – (de)fend, stain – (di)stain, sport – (di)sport, peal – (ap)peal, mend – (a)mend, fray – (af)fray, ply – (ap)ply, live – (a)live, spy – (e)spy*.

Инглиз тили нутқий мулоқотида бўғинларнинг тушиб қолиш ҳодисаси кўп учрайди. Афerezис ҳодисасида кишилар орасидаги ўзаро мулоқотда шошилиш, адашиш, уялиш, эсанкираш, истиҳола, ўнғайсизлик, саросималик каби коннотатив маънолар рўёбга чиқади. Бундай ҳолат кўпинча сўзларнинг бошидаги урғусиз бўғинлар таъсирида унли товушларнинг тушиб қолиши натижасида содир бўлади. Афerezис ҳозирги инглиз оғзаки нутқида ва бадиий адабиётда кўп учрайди: *How 'bout that?... I ain't going 'less you do...* [Thomas B., 1998; 45].

Мисолда *about* сўзини *'bout* шаклида айтиш орқали кўнгишчанлик, андиша, илтифот, мурувват маънолари ифодаланган бўлса, *unless* сўзининг *'less* тарзидаги талаффузида эса эркинлик, бамайлихотирлик, сокинлик ва вазминлик каби коннотатив маънолар акс эттирилган.

Афerezислар талаффузида муайян нутқий энгиллик, мулойимлик, ноциклик каби қўшимча маънолар бўлганлиги учун улар бадиий тасвирда персонажлар нутқида фаол қўлланилади. Буни кўйидаги матнда яққол кўриш мумкин:

"I can't kill the *possum* [(o)possum], 'cause [(be)cause] it might be innocent. I can't let the *possum* go, because it might be guilty. Can't make a good soup, can't do a handstand in a pool. Can't spell the word 'lieutenant'. There are a lot of *cant's* in my life right now".

Сўзлардаги афerezис ҳодисаси ўзига хос фонетик шакли ва мазмунига кўра протеза, синкопа, апокопа каби фонетик ҳодисаларга нисбатан антонимик хусусиятга эга.

Юқорида баён қилинган фикрлардан кўринадики, афerezис ҳодисаси инглиз тилида кўпроқ қўлланса, ўзбек тилида бу ҳодиса айрим сўзлар бошида бир ундош товуш туширилиши шаклида учрайди: ирок – (й)ирок, ил – (й)ил, игит – (й)игит, иринг – (й)иринг, игирма – (й)игирма каби. Бундай сўзлар талаффузида сўзлашув услубига хослик коннотатив маъноси англашилган. Бадиий тасвирда эса персонажлар нутқини характерловчи восита сифатида қўлланади.

Шундай қилиб, афerezисларнинг чоғиштира тахлили шуни кўрсатдики, инглиз тилида талаффуз қилинаётган сўзлар бошида бир товуш ёки бирдан ортик бўғин туширилса, ўзбек тилида айрим сўзлардаги нутқ товуши туширилади, холос.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, афerezис фоностилистикада муҳим фонопрагматик ҳодиса бўлиб, турли коннотатив маъноларни ифодалаш билан характерланади. Бундай фонопрагматик маъноларни аниқлаш ва ўз ўрнида қўллаш оғзаки нутқ жараёнида ҳамда таржимашуносликда алоҳида аҳамият касб этади.

Синкопа (syncopе) сўзининг этимологияси ўрта инглиз тили даври-

га (1350–1400) бориб тақалади. Лотин тили орқали кириб келган юнонча *sunkorē* сўзи, **sun-** ‘together’ (биргаликда) + **koptein** ‘strike, cut off’ (туширмақ, қисқартирмақ) маъносини англатади. Синкопа сўз ичидан бир ва ундан ортик товушлар, айникса, урғусиз унлилар, бўғинлар ва ундош ҳарфларни тушириш орқали уларни қисқартириш демакдир. Бундай ҳодиса тил диахрониясида ҳам, синхрониясида ҳам учрайди. Унинг талаффузи *syncope* [ˈsɪŋkəpi] [[https://en.wikipedia.org/wiki/Syncope_\(phonology\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Syncope_(phonology))]. Масалан: *heav'n* – *heav(e)n*, *ma'am* – *ma(d)am*, ***hast'ning*** – ***hast(e)ning***, *fo'c's'le* – *fo(re)c(a)s(t)le*, ***cam(e)ra***, ***fam(i)ly***, ***fav(o)rite***, ***mem(o)ry***, ***veg(e)table***, ***butt(o)ning кабу***. Бундай синкопали сўзлар норасмий нутқда эътиборсизлик, бепарволик, совуққонлик, тасодифийлик, нождидийлик, азият чекиш каби қатор коннотатив маъноларни ифодалайди. Синкопа кўп бўғинли сўзларда учрайди. Тушириб қолдирилган урғусиз унли кучли урғули бўғиндан кейин келади. Тилшуносликда тушиб қолган товушлар синкопаланган термини билан ҳам юритилади. Ёзувда эса улар баъзан апостроф билан кўрсатилади: *medicine* /'medsin/, *library* /'laɪbrɪ/. ***Medicine*** ва ***library*** сўзлари талаффузида [i] унли товуши ва [rə] бўғини туширилган бўлса, *ever* > *e'er*, *never* > *ne'er* ва *boatswain* > *bo's'n* сўзларида *ν* ундоши ҳамда бир ва ундан ортик унли ва ундош товушлар ёки бўғин тушириб талаффуз этилган [Trask R.L., 1996; 68].

Бундай ҳолат кўйидаги мисолларда ҳам қузатилади: opra (opera), genral (general), choclote (chocolate) [Michael H., 1999; 17].

Синкопа фоностилистик восита сифатида инглиз шеъриясида, асосан, кўйидаги мақсадлар учун ишлатилганлигини кўриш мумкин:

1. Сўздаги бир бўғиндан қочиш талаб этилганда, шеърдаги қофияни ростлаш, ритмик қолипни тартибли, баробар, бир меъёрга солиш, нотиклик санъати-га хос таъсирчанликни яратиш мақсадида ритмик ҳолатни бўрттириб кўрсатиш, мисралар орасидаги вазн талабига кўра, улар орасида уйғунлик, мослик ҳосил қилиш учун.

Юқорида қайд этилган ҳолатларда оҳангдорлик, жозоба, кўшимча ҳиссий бўёқ каби коннотатив маъноларни рўёбга чиқариш назарда тутилади. Буни Шекспирнинг “*A Lover’s Complaint*” номли сонетида кўриш мумкин:

'This said, his **wat'ry** eyes he did dismount,
Whose sights till then were **levell'd** on my face;
Each cheek a river running from a fount
With brinish current downward **flow'd** apace:
O, how the channel to the stream gave grace!
Who glazed with crystal gate the glowing roses
That flame through water which their hue encloses... [Shakespeare W., 1609; 5].

Юқорида келтирилган парчада **wat'ry** (watery) **levell'd** (levelled) **flowe'd** (flowered) сўзларининг қисқартириб қўлланилиши натижасида вазнга хос ритм оҳангдорлиги юзага келган.

Бундай поэтик жозибатор қисқартмаларни О. Голдсмитнинг “*The Deserted Village*” деб номланган шеърда ҳам кўриш мумкин:

For talking age and **whisp'ring** lovers made!
 Ill fares the land, to **hast'ning** ill a prey,
 And his last **falt'ring** accents **whisper'd** praise... [Oliver G., 1770; 8].

Келтирилган парчада шоир **whisp'ring** (whispering), **hast'ning** (hastening), **falt'ring** (faltering), **whisper'd** (whispered) синкопали сўзлар орқали китобхонда риторик таассурот уйғотган.

Шоир У. Вордсворт “*The World Is Too Much with Us*” асарида синкопали сўзлардан ўринли фойдаланган:

The road extended **o'er** the heath
 Weary and bleak: no cottager had there
 Won from the waste a rood of ground, no hearth
 Of Traveller's half-way house with its turf smoke
 Scented the air through which the plover wings
 His solitary flight.

Шоир юқоридаги мисраларда сўзлашув услубига хос туйғу ҳиссиётини бериш, қофияни вазнга келтириш учун **over** сўзини **o'er** тарзида қисқартириб қўллаган.

Синкопа фонопрагматик ҳодисасидан нафақат шеърятда, балки прозаик ҳамда драматик асарларда ҳам фойдаланилади. Бундай синкопик ҳодисани Шекспирнинг “*Cymbeline*” номли *пьесасида ҳам учратиш мумкин:*

...Thou thy worldly task hast done,
 Home art gone and **ta'en** thy wages...

Яна у ўз фикрини давом эттириб, куйидагиларни ёзади:

I would thou **grew'st** unto the shores o' the haven,
 And **question'dst** every sail: if he should write
 And not have it, 'twere a paper lost,
 As **offer'd** mercy is. What was the last
 That he spake to thee?

Келтирилган мисолдаги **ta'en** (taken), **grew'st**, **question'dst** ва **offer'd** синкопали сўзлар асарда қофияни ростлаш, уйғунлик, ҳиссий таъсирчанлик каби услубий маъноларни ҳосил қилган [<https://literarydevices.net> › *syncope*].

Синкопа оғзаки нутқ услубида кўпроқ ишлатилади. Бунда сўзловчининг ўта хис-ҳаяжонга берилиши, нутқ одобидан чекиниши каби ҳолатлар акс этади. Кишилар орасидаги оғзаки нутқ жараёнида сўзлаш темпини ошириш, қисқаликка эришиш мақсадида ҳам синкопалардан фойдаланилади. Масалан, Ҳозирги кунда ҳеч ким Christmas сўзи ўртасидаги 't' ундошини талаффуз этмайди. Дарҳақиқат, Исо Ал-Масихни Chris деб аташмаган. Christmas /krɪsməs/ тарзида айтилиши уни синкопик сўз эканлигини кўрсатади. Parliament [pɑːləmənt] сўзи ҳам синкопик сўз ҳисобланади, чунки сўз ўртасидаги **i** ҳарфи унсиз товушга айланиб талаффузда тушиб қолади [<https://thoughtco.com>›*syncope-pronunciation-1692016*]. Синкопик сўзлар сирасига яна куйидаги сўзларни ҳам киритиш мумкин: **as'n** (association), **bo's'n** (boatswain), **fo'c's'le** (forecastle), **'cos** (because), **symbology** (symbolology) ва ҳоказо.

Инглиз тили оғзаки нутқида тушириб қолдирилган товуш ёки бўғин ўрнида ёзма нутқда апостроф белгиси қўйилади. Бундай белги матн ўқилишини осонлаштиради ва ритм оҳангдорлигини таъминлайди.

Сўз таркибидан товуш ёки товушлар гуруҳининг тушиш ҳодисаси, яъни синкопа ўзбек тили нутқий мулоқотида инглиз тилига нисбатан чегараланган ҳолда қўлланади. Улар, асосан, кекса авлод нутқида учраб, тарихийлик, қўтаринкилик коннотатив маъноларини ифодалашга хизмат қилади. Чоғиштиринг: билан – би(р)лан, синглим – синг(и)лим, аслон – а(р)слон каби.

Шундай қилиб, синкопик сўзлар инглиз тилида миқдоран кўпчиликни ташкил этади. Ўзбек тилида ушбу ҳодиса кам учрайди. Қайд қилинганидек, синкопалар бадийий тасвирда вазнга хос ритм оҳангдорлигини таъминлайди, китобхонда эса бадийий таъсирчанлик ҳиссини уйғотади. Шунингдек, нутқий тежамкорликни юзага келтиради. Аммо нутқда қўлланилган ҳамма синкопаларни ҳам ўринли деб бўлмайди. Улар нутқ мазмунини ўзгартириши мумкин. Шунинг учун ҳам нутқнинг ҳар икки (оғзаки, ёзма) шаклида фонопрагматик жиҳатдан фақат ўзини оқлайдиганларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Апокопа. Инглиз тилида **апокопа** термини **аросоре** [ə'pɒkəpi] маълум бир сўзнинг талаффузида охириги товуш ёки бўғиннинг тушиши, яъни кесиб қисқартириш маъносини ифодалайди. Бошқача айтганда, апокопа риторик термин бўлиб, сўз охирида бир ва ундан ортиқ товушларнинг тушиб қолишидир.

Апокопа ҳодисаси икки сабабга кўра содир бўлади. Биринчидан, сўз охирида кўш ундош қўллангани ва ундан қутилишга уриниш. Иккинчидан, кўп бўғинли сўзларнинг охириги бўғинидаги урғуга куч бериш.

Юқорида қайд қилинган ҳолатлар чоғиштирилаётган тилларнинг иккаласида ҳам сўзлашув нутқида хос хусусиятларни ифодалашга хизмат қилади. Масалан, инглиз тилида *child* сўзининг талаффузида сўз охиридаги *d* ундоши туширилиб *chile*, *olde* сўзининг талаффузи охирида *e* унлиси туширилиб, *old* шаклида айтилади. Инглиз тилида аксарият сўзлар апокопа натижасида қисқартирилган талаффуз шаклига эга. Жумладан, *cinema* сўзи *cinematograph*, *photo* сўзи эса *photograph* сўзидан қисқартириб қўлланилган [Mary L.E., Lawrence D. Sh., 1983; 23]. Буни яна куйидаги мисолларда кўриш мумкин:

– In many poor neighborhoods, the Sandinista Front has more cred than the local youth gang (Tim Rogers. *Even Gangsters Need Their Mamas*).

– Season your admiration for a while with an attent ear (William Shakespeare, *Hamlet*).

– After he left the city, thousands of people toasted him with beer at a barbie, an Australian barbecue (“Pope in Australia”, *The New York Times*).

Юқорида ажратиб кўрсатилган сўзларда сўзлашув услубига хос коннотатив маънолар англашилмоқда.

Инглиз тилида киши номларини англатувчи кўпгина антропонимларнинг сўнгги товуши ёки бўғини қисқартирилиб, апокопага учраган ҳолда талаффуз қилинади. Бу ҳақда Bryan Garnerнинг “*Garner's Modern American Usage*” китобида *Barbarossa*, *Bengermine*, *Deborah*, *Stephanie*, *Theodore*, *Vincennes* антропоним-

лари Barb, Ben, Deb, Steph, Theo, Vince шаклида келтирилиб, улар персонажлар нуткида севиш, эркалаш, яқинлик, кичрайтириш каби қатор коннотатив маъноларга эгаллиги қайд этилган [Bryan G., 2009; 51].

Апокопа ҳақида Оливер Сакс “Favorite Words of Famous People” асарида апокопа ҳодисасида нутқий тежамкорлик, бўғинларнинг қисқариши натижасида ихчамлилик юзага келишини таърифлаб, шундай ёзади: “One of my favorite words is apocope – I use it (for example) in “A Surgeon's Life”: “. . . the end of the word omitted by a tactful apocope” (Vintage, “Anthropologist on Mars”). “I love its sound, its explosiveness (as do some of my Tourettic friends – for when it becomes a four-syllable verbal tic, which can be impaired or imploded into a tenth of a second), and the fact that it compresses four vowels and four syllables into a mere seven letters” [Oliver S., 2011; 102].

Апокопа ҳодисаси инглиз тилидаги топонимлар талаффузи ва ёзилишида ҳам учрайди. Апокопали топонимлар, бу – сўзлашув нуткида ихчамликка эришиш учун кўп бўғинли топонимлар охириги бўғинининг айтилмаслигидан ҳосил бўлади. Бундай талаффуз кўпинча инглиз тили диалектларида кўзга ташланади. Жумладан, Birmingham шахрининг маҳаллий номи Brummagem уч бўғинли номнинг диалектдаги шакли ва талаффузи Brum бир бўғинли ҳолатга келтириб айтилади. Англиянинг Wakefield – Wakey, Skegness – Skeggy, Scunthorpe – Scunny, Pontefract – Ponte, Huddersfield – Hudds, Doncaster – Donny, Darlington – Darlo, Chichester – Chy, Bournemouth – Bomo, Accrington – Ассу каби қатор жой номлари ҳам апокопага учраб, талаффуз қилинади.

Бадий адабиётда турли персонажлар нуткида қисқаликка интилиш, айрим топонимларнинг талаффузида қийинчиликка дуч келиш, баъзи ҳолларда атайлаб бузиб айтиш каби ҳолатларни реал акс эттириш учун ишлатилади.

Юқорида таъкидланганидек, талаффузда сўз охирида товуш ёки бўғинларнинг туширилиши, яъни фоностилистик апокопа ҳодисаси ўзбек тили сўзлашув ва бадий нутқ услубларида учрайди. Ўзбек тилидаги апокопали сўзлар, асосан, охири кўшундош билан тугайдиган ўзлашма сўзларда учрайди. Масалан, баланд – балан, гўшт – гўш, хурсанд – хурсан, ғишт – ғиш, фарзанд – фарзан, пайванд – пайван сўзларининг охиридаги кўш ундошдан кейингиси апокопага учраган.

Кўп бўғинли сўзларнинг охириги бўғинидаги урғуга куч бериш сабабли ҳам сўнги ундош апокопага учраши мумкин: ҳамроҳ – ҳамро, Аллоҳ – Алло, гувоҳ – гуво.

Шунингдек, рус тилидан ўзлашган баъзи сўзларнинг охириги унлиси апокопага учраб талаффуз қилинади: фабрика – фабрик, машина – машин, газета – газет каби.

Қайд қилинган сўзларнинг апокопали талаффузи уларнинг “бегона”лиги коннотатив маъносига эга бўлишидир.

Апокопа худди инглиз тилидагидек, антропоним ва топонимлар талаффузида ҳам учрайди.

Тилимиздаги Нигор(а), Хурши(да), Сабо(ҳат), Васи(ла), Фоти(ма); Ази(з),

Соли(х), Абду(ллох) антропонимларидаги охирги товуш ва бўғинларнинг туширилиб талаффуз қилиниши орқали уларда қўшимча эркалаш, ардоқлаш, севиш, яқинлик, эҳтирос каби қатор коннотатив маънолар ифодаланган. Самарқан(д), Тошкен(т), Вобкен(т) каби топонимларда эса охирги ундошнинг туширилиши билан сўзлашув хусусиятини акс эттирувчи коннотатив маънолар англашилмоқда.

Апокопа ҳодисаси барча ҳолатларда ҳам фақат жонли тилга хосдир.

Нутқда товушларнинг тушиб қолиши ўзбек тили шеваларида фаол учрайдиган ҳодиса ҳисобланади ва унда турли коннотатив маънолар ифодаланади. Бу ҳол шеъриятда, кўпроқ халқ достонлари тилида фаол қўлланилади.

Шеъриятда апокопа ҳодисасидан вазн талаби ва қофияни ростлашда ҳам фойдаланилади. Бундан Ғ. Ғулом “Кўкан” поэмасида моҳирлик билан фойдаланиб, ритм оҳангдорлиги қўшимча маъносини ҳосил қилган:

... *Аҳён-аҳён газетларда кўринадан*. Ўқигунча ёпишаман жуда жазман [Qilichev E., 1985; 91].

Буни матнда газета сўзининг охиридаги **а** товуши туширилиб қолдирилиши талаффузда кўриш мумкин.

Апокопа ҳодисасига «Холдорхон» достони матнидан ҳам мисол келтириш мумкин: Қистагандан қистади, йўл юрмоққа устади(р). Кўлда суқсур сўнади(р), ақлидан бегонади(р). Достон матнида апокопага учраган товуш қавс ичида кўрсатилган. Ушбу товушнинг тушишига микроматндаги бир сўзга иккинчи бир сўзни қофия қилиш, уюштириш эҳтиёжи сабабдир. Бундай фонетик вариантлар нутқда қофия, оҳангдорлик каби қўшимча коннотатив маъноларни ифодалашга хизмат қилган.

Хуллас, апокопа ҳодисаси ҳам муҳим фоностилистик вазифа бажаради.

Апокопа нафақат турдош сўзлар, балки антропоним ва топонимлар талаффузида ҳам учрайди.

Апокопали сўзлар сўзлашув ва бадий услубда қўлланилиб, турфа коннотатив маъноларни ифодалайди.

Талаффузда фонетик ўзгаришли сўзлардан яна бири элизиядир.

Элизия терминини турли лингвистик луғатлар ва илмий қарашларнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, сиқмоқ, итариб чиқармоқ, қирқиб ташламоқ маъноларида қўллаш мақсадга молик. Бошқача айтганда, талаффузда сўз таркибида тушириб қолдирилган, сиқиб чиқарилган, қирқиб ташланган товуш ва бўғинлар тушунилади.

Элизия инглиз тилининг оғзаки нутқида шошиб нутқ сўзланаётганда кетма-кет келаётган жарангсиз ундошлардан бирининг тушиб қолиши ва унлилар редукцияси ёки қисқариши натижасида ҳам содир бўлади. Бундай элизияли сўзлар нутқ эгасига хос шошқалоқлик, ҳовлиқмалик коннотатив маъноларини ифодалаши Д. Джонснинг "English Pronouncing Dictionary" луғатида куйидаги сўзлар мисолида кўрсатилган: *acts* /æks/, *perhaps* /pə'hæps, præps/, *potato* /pə'tetəu/, *bicycle* /'baɪsɪkl/, *philosophy* /fɪ'lɒsəfi/ [Daniel J., 2006; 286-399].

Элизия фоностилистик восита сифатида болалар нутқини характерлаш учун ҳам ишлатилади. Жумладан, *left leg* сўз бирикмаси *lefleg* /lefleg/ тарзида

айтилиб, t товуши туширилган бўлса, robbed сўзи ва the артикли бирикуви /rɔbdə/ тарзида талаффуз қилиниб, d товуши туширилади. in предлоги ва box сўзи бирикуви талаффузиди эса n товуши туширилиб /tɒks/ тарзида айтилади. Болалар нутқидаги бундай талаффуз юқорида қайд қилинган сўзларнинг айтилишидаги қийинчилик билан изоҳланади.

Элизияли сўзлар бадий адабиётда персонажлар нутқида қўлланилади. Жумладан, К. Марлонинг “Доктор Фауст” пьесасида элизияли сўзлар юксак маҳорат билан ишлатилган:

Settle thy studies, Faustus, and begin
To sound the depth of that thou wilt profess:
Having **commenc'd**, be a divine in show,
Sweet Analytics, 'tis thou hast **ravish'd** me!
Is, to dispute well, logic's chiefest end?
Then read no more; thou hast **attain'd** that end:
Be a physician, Faustus; heap up gold,
Why, Faustus, hast thou not attain'd that end?
Whereby whole cities have **escap'd** the plague,
And thousand desperate maladies been **cur'd**?
The god thou **serv'st** is thine own appetite,
Wherein is **fix'd** the love of Belzebub:
To him I'll build an altar and a church ...

Ушбу парчада муаллифнинг сўзлардаги урғусиз бўғинларни тушириб қолдириш орқали ёқимлилиқ, юмшоқлик, текислик, енгиллик, қулайлик, силлиқлик, равонлик каби коннотатив маъноларни акс эттирганини кўриш мумкин.

Турли коннотатив маънога эга элизияли сўзларни яна қуйидаги матнларда кўриш мумкин:

What dire offence from **am'rous** causes springs,
What mighty contests rise from trivial things,
I sing — This verse to Caryl, Muse! is due:
This, **ev'n** Belinda may vouchsafe to view...

Say what strange motive, Goddess! could compel
A well-bred Lord **t'** assault a gentle Belle?
O say what stranger cause, yet **unexplor'd**,
Could make a gentle Belle reject a Lord ...

Sol **thro'** white curtains shot a **tim'rous** ray,
And **op'd** those eyes that must eclipse the day;
Now lap-dogs give themselves the rousing shake...

А. Поупнинг “*Rape of Lock*” шеърдан олинган юқоридаги парчада *amorous* – am'rous, *even* – ev'n, *unexplored* – unexplor'd, *through* – thro', *opened* – op'd, *t'* – the, *timorous* – tim'rous сўзлари қисқариб, элизияли шаклни олган. Бу орқали шоир шеърда пентаметр (беш туроқли) шеъринг вазн, яъни шеър оқимида керакли бўғинлар сонига эришиш мақсадида элизиядан фойдаланган. Натижада, шеърнинг мусикавийлиги ва оҳангдорлиги кучайган.

Элизияли нутқ кўпинча кишилар орасида бепарво, совуққон, норасмий, оддий, вақтинчалик суҳбат жараёнида ҳосил бўлади. Элизия ҳодисаси шеърятдан ташқари насрда ҳам персонаж нутқида ёзувчи томонидан атайлаб, била кўра туриб, ишлатилиши мумкин. Фоностилистик жиҳатдан қараганда, фонетик структураси элизияга учраган сўзлар талаффузида коннотатив маънолар миқдори ортиқ бўлганлиги кўринади.

Инглиз тилида бўлганидек, товуш ёки бўғинлар тушиши натижасида воқеланадиган элизия ҳодисаси ўзбек тили нутқий мулоқотида ҳам учрайди. Элизия нутқ вазиятига алоқадор бўлиб, турли фонопрагматик муносабатларни юзага чиқаради. Масалан:

Ай, кўнгилни китиклаган эрка гул!

Ай, оламини кўмган орзу-сирга, гул!

Қайга десанг, мен кетаман бирга, гул.

Матнда **каерга** сўзидаги **р** товушининг атайлаб туширилиши (баъзи диалектларда товуш туширилиши табиий ҳисобланади, бироқ адабий тил нутқини назаридан бундай ҳолатлар ҳам муаллиф муносабатини ифодалашда катта аҳамият касб этади) билан ҳамдардлик, кўнгил олиш каби лингвопрагматик коннотатив маънолар юзага чиқади.

Бадий матнда оғзаки нутққа ва диалектал лексикага оид сўз қўллашнинг муҳим кўринишларидан бири уларни фонетик жиҳатдан қисқартиришдир. Сўзларнинг фонетик қисқарган шакллари бадий нутқ, шунингдек, оғзаки нутқнинг маҳсули ҳисобланади:

Ҳурматга бўлиб сазовор,

Ҳамманинг **бўб** қадди дол,

Ҳунарни **қиб** намойиш... (Б.Бойқобилов. Тож Маҳал).

Шеъринг парчадаги *бўлиб, қилиб* равишдошларининг *бўб, қиб* шакллари биринчидан, шеъринг матнга оғзаки нутққа хос оҳанг коннотатив маъносини киритган, иккинчидан, шеъринг шакл, яъни шеъринг мисрадаги турокларни жойлаштиришни таъминлашга хизмат қилган.

Чоғиштирилаётган тиллардаги элизияли сўзларнинг коннотатив маънолари ранг-баранглиги ва серқирралиги жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Айтилган замонда, уларнинг миқдори инглиз тили сўзлашув нутқида ортиқроқдир.

Ҳар икки тилда ҳам сўзлардаги элизия туфайли нутқда қисқалик, ҳаяжон, шошилиш, мулойимлик, осонлик, эҳтирос, талаффуздаги қийинчилик каби коннотатив маънолар ифодаланади. Шеърятда эса вазнда қофияни ростлаш, ритм ва оҳангдорлик, мусиқийликни янада кучайтириш учун хизмат қилади.

ХУЛОСА

1. Талаффузда товуш туширилиши йўли билан ҳосил қилинган аферезис, синкопа, апокопа ва элизия ҳодисалари ҳар икки тилда муҳим семантик-стилистик ҳамда функционал-стилистик хусусиятларга эга.

2. Фонетик қиёфаси ўзгаришли сўзлар фонопрагматик жиҳатдан ўзининг денотатив маъносидан ташқари, турли-туман коннотатив маъноларни ҳам ифо-

далайди. Буларга оҳангдорлик, ўнғайсизлик, азият чекиш, нождидийлик, ритмик қофияни ростлаш, эркалаш, яқинлик, кичрайтириш, нутқий тежамкорлик, ардоқлаш, севиш, эҳтирос, шошқалоқлик, ёқимлилик, нутқий силлиқлик, совуққонлик, талаффуздаги қийинчилик каби коннотатив маъноларни киритиш мумкин.

3. Ҳар икки тилда товуш туширилиши ҳодисаси билан ҳосил қилинган фонетик ўзгаришли сўзлар, асосан, сўзлашув ва бадий нутқ услубларига хосдир.

4. Таржимада, айниқса, бадий таржимада фонетик қиёфаси ўзгаришли сўзларга хос коннотатив маъноларни теран англаш ва китобхонга айнан етказиш муҳим аҳамият касб этади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Axmanova O.S. Slovar' lingvistikicheskix terminov. Sovetskaya ensiklopediya. Moskva, 1966. 606 s.
2. Bernard Dupriez. *A Dictionary of Literary Devices*, translated by Albert W. Halsall. Univ. of Toronto Press, 1991, – p. 235.
3. Bryan Garner. *Garner's Modern American Usage*. Oxford University Press, 2009, – p. 51.
4. Daniel Jones. "English Pronouncing Dictionary", 17th ed. Cambridge University Press, 2006, – p. 286-399.
5. Haydarov A.A. Konnotativ ma'noning fonetik vositalarda ifodalanishi. Filol. fan. nomz. diss. Toshkent, 2009, – 136 b.
6. Mamadaliyeva M. O'zbek tilida nominativ birliklarning konnotativ aspekti. Filol. fan. nomz. diss. avtoref., –T.: 1997. – 22 b.
7. Mary Louise Edwards and Lawrence D. Shriberg, *Phonology: Applications in Communicative Disorders*. College-Hill Press, 1983, – p. 23.
8. Michael Hammond, *The Phonology of English: A Prosodic Optimality-Theoretic Approach*. Oxford University Press, 1999, – p. 17.
9. Oliver Goldsmith. The Deserted Village. 1770, 13 p.
10. Oliver Sacks, quoted by Lewis Burke Frumkes in *Favorite Words of Famous People*. Marion Street Press, 2011. 168 p.
11. Qilichev E. O'zbek tilining praktik stilistikasi. Toshkent, "O'qituvchi", 1985. – B. 159.
12. Saparova Q. Sopostavitel'no-tipologicheskoye issledovaniye fonostilistiki russkogo i uzbekskogo yazikov (na materiale fonovariantov slov). Avtoref. doktor. diss. – T.: 2009. – 49 s.
13. Thomas Berg. *Linguistic Structure and Change: An Explanation from Language Processing*. Oxford University Press, 1998, – p. 45.
14. Trask R.L. *A Dictionary of Phonetics and Phonology*. Routledge, 1996, – p. 68.
15. William Shakespeare. *A Lover's Complaint*. 1609, 10 p.
16. Xalliyeva G. Komparativistik tadqiqotlarda ilmiy natijaga erishish shartlari. Filologiya masalalari. Ilmiy metodik jurnal. Toshkent: 2020. № 1. – B. 40.
17. [https://en.wikipedia.org/wiki/Syncope_\(phonology\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Syncope_(phonology))
18. <https://literarydevices.net/syncope>
19. <https://thoughtco.com/syncope-pronunciation-1692016>

REFERENCES

1. Akhmanova O.S. Dictionary of linguistic terms. Soviet encyclopedia. Moscow, 1966. 606 p.
2. Bernard Dupriez. *A Dictionary of Literary Devices*, trans. by Albert W. Halsall. Univ. of Toronto Press, 1991, – p. 235.
3. Bryan Garner. *Garner's Modern American Usage*. Oxford University Press, 2009, – p. 51.
4. Daniel Jones, "English Pronouncing Dictionary", 17th ed. Cambridge University Press, 2006, – p. 286-399.
5. Haydarov A.A. Expression of connotative meaning in phonetic means. Candidate of Philological Sciences dissertation, Tashkent, 2009, – 136 p.
6. Mamadalieva M. Connotative aspect of nominative units in Uzbek language. Candidate of Philological Sciences dissertation abstract, T.: 1997. – 22 p.
7. Mary Louise Edwards and Lawrence D. Shriberg, *Phonology: Applications in Communicative Disorders*. College-Hill Press, 1983, – p. 23.
8. Michael Hammond, *The Phonology of English: A Prosodic Optimality-Theoretic Approach*. Oxford University Press, 1999, – p. 17.
9. Oliver Goldsmith. *The Deserted Village*. 1770, 13 p.
10. Oliver Sacks, quoted by Lewis Burke Frumkes in *Favorite Words of Famous People*. Marion Street Press, 2011. 168 p.
11. Qilichev E. Practical stylistics of the Uzbek language. Tashkent, "O'qituvchi", 1985. - p. 159.
12. Saparova Q. A comparative typological study of phonostylistics of the Russian and Uzbek languages (based on the material of phonovariants of words). Abstract. doctor. diss. – T.: 2009. - 49 p.
13. Thomas Berg, *Linguistic Structure and Change: An Explanation from Language Processing*. Oxford University Press, 1998, – p. 45.
14. Trask R.L. *A Dictionary of Phonetics and Phonology*. Routledge, 1996, – p. 68.
15. William Shakespeare. *A Lover's Complaint*. 1609, 10 p.
16. Xalliyeva G. Conditions of achieving scientific results in comparative studies. *Filologiya masalalari*. Scientific methodical journal. Tashkent: 2020. № 1. – p. 40.
17. [https://en.wikipedia.org/wiki/Syncope_\(phonology\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Syncope_(phonology))
18. <https://literarydevices.net/syncope>
19. <https://thoughtco.com/syncope-pronunciation-1692016>